

**КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРЛИГИ
ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.34/2025.27.12.T.01.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРЛИГИ
ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

АБДИЕВА ГУЛАРА БАБАНИЯЗОВНА

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ЗАРАРЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ОМИЛЛАРИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА
ЭКСПЕРИМЕНТАЛ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.10.01 — Меҳнатни муҳофаза қилиш ва инсон фаолияти хавфсизлиги

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент- 2026

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора технических
наук (DSc)
Contents of dissertation abstract of doctor (DSc) of technical sciences

Абдиева Гулара Бабаниязовна

Саноат корхоналарида зарарли ишлаб чиқариш омилларини
 камайтиришнинг назарий ва экспериментал асосларини
 такомиллаштириш..... 5

Абдиева Гулара Бабаниязовна

Совершенствование теоретических и экспериментальных основ
 снижения вредных производственных факторов на промышленных
 предприятиях..... 30

Abdiyeva Gulara Babaniyazovna

Improving the theoretical and experimental foundations for reducing harmful
 occupational factors in industrial enterprises..... 56

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
 List of published works..... 60

**КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРЛИГИ
ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.34/2025.27.12.T.01.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ВА БАНДЛИК ВАЗИРЛИГИ
ХОДИМЛАРИНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ МАРКАЗИ**

АБДИЕВА ГУЛАРА БАБАНИЯЗОВНА

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ЗАРАРЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ОМИЛЛАРИНИ КАМАЙТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА
ЭКСПЕРИМЕНТАЛ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.10.01 — Меҳнатни муҳофаза қилиш ва инсон фаолияти хавфсизлиги

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSC) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент- 2026

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.1.DSc.T127 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходимларининг малакасини ошириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.rmmk.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Нурматова Раҳима Раҳмановна
техника фанлари доктори, профессор,

Расмий оппонентлар:

Маджидов Ином Уришевич
техника фанлари доктори, профессор

Якубов Сабир Халмурадович
техника фанлари доктори, профессор

Абдазимов Шавкат Хакимович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходимларининг малакасини ошириш маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.34/2025.27.12.т.01.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмийнинг 2026 йил «29.07» соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Тошкент шаҳар, 100111, Янгиҳаёт тумани, Луфткор кўчаси, 33-уй. Телефон: (71) 258-26-57 E-mail: info@rmmk.uz).

Диссертация билан Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходимларининг малакасини ошириш марказида танишиш мумкин (№ 1 рақам билан рўйхатга олинган). (Ўтади (Манзил: Тошкент шаҳар, 100111, Янгиҳаёт тумани, Луфткор кўчаси, 33-уй. Телефон: (71) 258-26-57 E-mail: info@rmmk.uz).

Диссертация автореферати 2026 йил 14.07 куни таркатилди.
(2026 йил «14» 07 да 14 рақамли реестр баённомаси).



Б.Т.Ибрагимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

У.Б.Қадиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.ф.д. (PhD), доцент

Р.Н.Исмаилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясига аннотация)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда замонавий техника тараққиёти даврида ишлаб чиқариш саноат корхоналарида титраш, шовқинларнинг олдини олиш, транспорт воситаларини ишлатишда муаммолар борлиги, технологик жараёнларда титрашларнинг етарли даражада кўпайишини эрта аниқлаш, улардан ҳимояланиш усуллари ишлаб ишлаб чиқиш, айниқса инсон организмига зарарли таъсирини камайтириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда, ривожланган мамлакатларда динамик жараёнлар натижасида ҳосил бўладиган титрашларни максимал миқдорда камайтириш барча саноат корхоналарида етарли даражада ўрганилмагани натижасида, ҳанузгача инсон фаолиятига салбий таъсир этаётган хавфлардан бирини ташкил этмоқда. Бу эса, мазкур соҳада юзага келиши мумкин бўлган фавқулудда ва авария ҳолатлари, бахтсиз ҳодисалар, касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олиш усуллари ишлаб чиқариш ва технологик жараёнларни, фойдаланилаётган хомашё ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг хусусиятларини, иқлим, сейсмик ва бошқа табиий жараёнларни таҳлил қилиш ҳамда касбий хавфларни баҳолаш натижалари, илгари содир бўлган бахтсиз ҳодисалар, фавқулудда ҳамда авария ҳолатларида аниқланган номувофиқликларни камайтириш самарадорлигини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда саноат корхоналари технологик жараёнларида титраш касаллигининг ижтимоий–гигиеник аҳамияти касбий касалликлардан ногиронликкача бўлган даврига нисбатан катта улушга эга эканлиги, ёш авлод вакиллари томонидан касбий меҳнат қобилиятини йўқотиши, титрашни кўзғатувчи барча бошқарув тизимларида мураккаб бузилишларни келтириб чиқаришнинг салбий омилларини аниқлаш муҳимдир. Сўнгги йилларда, вибрация таъсири натижасида пайдо бўлиш ва ривожланишида иммун тизимининг касаллик патогенезининг баъзи жиҳатлари ва унинг алоҳида клиник белгиларининг шаклланиш механизмлари тўғрисида назарий ва амалий натижаларига қаратилган илмий–тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, инсонларни титраш шароитида фаолият кўрсатишида уларнинг кўзларини хиралашиши, рангларни ажрата олмаслиги, ҳаракатлар координациялашишининг ёмонлашиши ва хотирани сусайишига олиб келиши, умумий ҳолатнинг ёмонлашишига организмнинг баъзи элементларини (қон–томир, нерв толалари, пайлар, суяк тўқималари) ишдан чиқиши ва инсон танасини ҳимоя қилиш мақсадида титрашларнинг салбий омилларини камайтириш, меҳнат муҳофазасини таъминлашнинг замонавий методларини ишлаб чиқиш самарадорлигини аниқлаш усули долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамиздаги касбий касалликлар ҳақидаги концепсияга асосан, саноат корхоналарида хавфли ва зарарли омилларнинг олдини олиш борасида профилактик тадбирларни кўчайтириш, механик тебранишларнинг одамга кўрсатиладиган етарли даражадаги таъсири ва тебраниш частотасининг диапазонини 1,6–1000 Гц оралиқда ўзгаришини камайтириш, самарадорлигини

оширишга ёрдам берадиган янги технологияларни яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни амалда қўллаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида¹, республикамиз иқтисодиёт тармоқларидаги зарар ва хавфларни камайтириш бўйича кенг қамровли ишларни амалга ошириш, иқтисодиётга инновацияларни кенг жорий қилиш, саноат корхоналари ва илм–фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш тўғрисида муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида саноат корхоналарида ишлаб чиқариш жараёнида титрашларнинг хавфини ва зарарини камайтиришнинг назарий ва экспериментал асосларини такомиллаштириш муҳим масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 22 сентябрдаги ЎРҚ-410-сон “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 19 майдаги “Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ВМҚ-291-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. Меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда II.Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик устувор йўналишларига мос келади.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Ишлаб чиқариш жараёнида содир бўладиган титрашларнинг салбий таъсирини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, жумладан А.А.Благонравов номидаги Машиноведение институти Россия Фанлар академияси, University of Derby /Акустика/ Вибрация (Буюкбритания), Брест давлат техник университети /(Беларуссия) Polytechnic University / Polymer Research Institute (АҚШ), Mindanao State University-Iligan Institute of Technology (Филиппин), Санкт-Петербург давлат ахборот технологиялари, механика ва оптика университети (СПбДУИТМО), Laboratory of Mineral Processing and Resources Recycling, University of New South Wales (UNSW) (Австралия), Nanjing Tech University (Хитой), Division of Sustainable Resources Engineering, Hokkaido University (Япония), Wuhan Institute of Technology (Хитой), KFI - Korea Fire Industry Technology Institute (Жанубий Корея), IFAB – Institute for applied fire safety research (Германия), Düzce University (Туркия), Fire Safety Engineering Education at University of Science and Technology of China (Хитой) ҳамда бошқа бир қатор илмий-тадқиқот институтлари ва олий

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. farmon.pdf - Google Диск.
²<https://www.imash.ru>. <https://www.derby.ac.uk>. <https://www.bstu.by>. <https://engineering.nyu.edu>.
<https://www.msu-iiit.edu.ph>. <https://itmo.ru/ru>. <https://www.unsw.edu.au/engineering>. <http://www.njtech.edu.cn>.
<https://www.ifab-research.de>. <https://www.eng.hokudai.ac.jp>. <https://www.wit.edu.cn>.
<https://www.kfi.or.kr/eng/main/main.do>, <https://www.duzce.edu.tr>.

таълим муассасаларида олиб борилмоқда.

Доимий равишда кузатиладиган титрашларни келтириб чиқарадиган асбоб-анжомларни тезроқ емирувчи таъсир кўрсатиши, авария хавфининг ошишига ҳамда маҳсулот сифати пасайишига сабаб бўлишини исботлашган. Амалиётга жорий қилишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, кўпгина мамлакатларда амалдаги қонунчилик доирасида ишлаб чиқариш жараёнларида юз берадиган хавф-хатарларни минималлаштириш мақсадида махсус техник вазифаларни бажаришни кўзда тутувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Н.А.Семенов томонидан ишлаб чиқариш объектларидан чикувчи титрашлар биноларни емириш ва уларнинг атрофидаги тупроқ ҳамда сув ҳолатининг ёмонлашувига олиб келиши, бу эса, аҳоли саломатлигига кўшимча хавф туғдириб, минтақанинг иқтисодий аҳволига ҳам салбий таъсир кўрсатиши устида илмий изланиш олиб борган. Д.С.Иванов (Россия) замонавий тизим жорий қилиш орқали корхоналардаги вибрация фонларини назорат қилиш, тизим муаммоли ҳудудларни ўз вақтида аниқлаш ва зарур чора-тадбирларни кўриш имкониятини беради. (Ким Ин.Ли, Пуссан университети, Корея) томонидан тадбирлар бу – демпферлардан фойдаланиш, фундаментларнинг юмшатовчи хусусиятларини яхшилаш ҳамда асбоб-ускуналарни эксплуатация қилиш тартибини такомиллаштирган.

Дунёда ишлаб чиқаришда титрашининг таъсири инсон организмнинг физиологик ва функционал ҳолатидаги ўзгаришларни келтириб чиқариши ва организмнинг функционал ҳолатидаги ўзгаришлар вестибуляр реакцияларнинг бузилиши ҳамда ҳаракатлар координациясида, чарчаш даражасининг ошиши, ҳаракат ва кўриш реакциясининг секинлашишда намоён бўлиши, бу эса, меҳнат унумдорлиги пасайишига олиб келишининг олдини олиш, иссиқлик алмашинув жараёнларини жадаллаштириш, моддий зарарлар, инсонларнинг ҳалок бўлиши ва жароҳатланиши билан боғлиқ нохуш ҳодисалар кўламини қисқартиришга оид тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ишлаб чиқариш тебраниши барча соҳа ишчиларининг организмига таъсири, титрашларни камайтириш чоралари ва уларни инсонга хавф хавфининг олдини олиш каби масалаларни ҳал қилишда бир қатор таниқли олимлар катта хисса қўшганлар, жумладан, Т.Азовскова., Р.Бараев, С.Г.Смирнов, А.И.Комкин, А.Д.Галеев, Э.А.Дрогичин, Н.Б.Метлино, В.А.Кириянов, А.В.Сухова, В.Г.Артамонова, Е.Б.Колесова, Л.В.Кускова, О.В.Швалева, А.А.Пенкнович, Л.Н.Пригода, Е.Н.Суетина, Л.Н.Шпагина, В.В.Захаренков, J.A.Allen, Ж.С.Таунсенд, Л.Прандтл, Э.Тейлор, Л.С.Клячко, С.Сакс, А.Эйнштейн, Т.Великанова, А.Д.Климанов, Н.Воронин, Л.Д.Воронина, А.Д.Багриновский, С.У.Вейлер, П.Ребиндер, Ж.Борисов, С.Доз, В.Вин, Й.Б.Зелдович, Х.А.Кристорян, В.В.Старк, Й.Н.Талиев, В.В.Дяков, С.В.Белов, К.Н.Абдурахманова, Н.В.Шутов ва бошқалар.

Больцман-Вольтернинг интеграл тенгламаларини реал жисмларга, материалларга тадбиғи бўйича усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга Ўзбекистоннинг таниқли олимларини илмий ишлари бағишланган. Булардан, Л.Слонимский, М.И.Розовский, В.А.Каргин, А.П.Бронский, Ю.Н.Работнов,

А.М.Сталевич, М.А.Колтунов, Н.Х.Арутюнян, М.Мирсаидов, Т.Мавланов, Х.Эшматов, Ф.Бадалов, С.Бабанов, Т.Азовскова, Р.Бараева, Н.Вакурова, О.Р.Юлдашев, Б.Т.Ибрагимов, Р.Р.Нурмаматова, А.С.Сулаймонов, А.К.Кудратов, Т.А.Ганиев. Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида титрашларнинг салбий омилларини камайтириш самадорлигини ошириш амалиётида қўллаш масалаларни ечишда салмоқли натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, каби қатор олимлар тебранишлар хавфи юқори, жумладан ер қимирлаши, резонанс ҳодисаси мумкин бўлган ҳолатларда барча турдаги динамик жараёнлар рўй бериши мумкин бўлган корхоналарни 90% стратегик объектлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам улар энг замонавий хавфсизлик тизимлари ва титрашларни камайтириш, динамик жараёнлар натижасида ҳосил бўладиган титрашларни максимал даражада камайтириш барча корхоналарда етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ходимларнинг малакасини ошириш марказининг «Иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида меҳнат муҳофазасини таъминлаш, фавқулодда вазиятларда ходимлар хавфсизлигини ошириш ва уларни тезкор ҳаракат қилишга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш» бўйича илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади саноат корхоналарида зарарли ишлаб чиқариш омилларидан титраш хавфини камайтириш, титрашларнинг инсонга зарарли таъсирининг назарий ва экспериментал асосларининг самарадорлигини ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

титрашларни одамга таъсири ва ундан келиб чиқадиган касалликлар хавфини камайтириш усулларини ишлаб чиқиш;

инсон танасини қовушқоқ-эластиклик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда моделлаштириш;

саноат корхоналарида инсонга таъсир этадиган титрашларнинг нормаларини тадқиқ этиш;

титрашларнинг диссипатив ҳолатларини аниқлашда амалий масалалар ва тадқиқот натижаларининг самарадорлигини ҳисоблаш;

технологик жараёнларда, корхоналарда содир бўладиган динамик ҳолатларда титрашлар ҳосил бўлиш манбаълардан тарқалиши, уларни объектлар орқали инсон танасига таъсирини ўрганиш;

титрашлар натижасида ишчиларда касб касаллигини пайдо бўлиши хавфсизлик тизимининг элементлари аниқлаш, ишлаб чиқариш жараёнида инсонга таъсир қиладиган титрашлар хавфини камайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти титраш манбаси, титрашни ҳосил қилувчи ускуналар, манбани узатувчи муҳит ва шахс, ишлаб чиқариш жараёнида инсонга таъсир қиладиган титрашлар хавфини камайтириш олинган.

Тадқиқот предмети саноат корхоналарида динамик жараёнида ҳосил

бўладиган титрашларнинг хавфини камайтириш, титраш манбаси, титрашларни узатиш ҳамда одам танасига зарарли таъсирини баҳолаш бўйича назарий ва экспериментал тадқиқот ўтказиш ҳамда илмий асосланган усуллари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ўтказиш жараёнида назарий таҳлил, кузатиш, қиёслаш, титраш жараёнларини математик моделини ишлаб чиқиш ва таҳлил қилиш, тадқиқот натижаларини умумлаштириш ва таклиф-тавсиялар бериш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагиларда кўринади:

илк бор титрашнинг зарарли таъсири инсон организмнинг физиологик ва функционал ҳолатида ўзгаришларни келтириши, вестибуляр реакцияларининг бузилиши, ҳаракатлар координациясида чарчаш даражасининг ошиши, ҳаракат ва кўриш реакциясининг секинлашиши ва меҳнат унумдорлиги пасайишининг конструктив ечимлари ишлаб чиқилган;

вибродемпфнинг тебраниш тизимларида фаол йўқотишларнинг ошиши, уларга энг кенг тарқалган вибродемпфер қопламаларга мастикалар, VPM, Antivibrit–М) ва пардоз материаллари (пенопласт, жун, винипор, фолгоизол)ни қўллаш, конструктив параметрларининг ўзгаришини аниқлаш орқали титрашларнинг инсон организмга салбий таъсирини 14-20% гача камайтиришнинг оптимал вариантлари асосланган;

тадқиқотда тик турган ҳолатда, инсон танасига таъсир этаётган титрашларни 5–12 ва 17–25 Gs да иккита резонанс частота, ўтирган ҳолатда эса, 4–6 Gs, бош учун резонанс частота 20–30 Gs оралиғида, кичик частотали титрашларда касб касалликлари 8–10 йилда, юқори частоталарда 5 йилда пайдо бўлиши аниқланган пружиналар комбинациясининг нисбати катталиги бўйича аниқлаш асосланган;

титрашлардан ҳимоялашнинг асосий усуллари, титрашларни ҳосил бўлишдан олдин манбада камайтириш, виброизоляция қилиш, қўшимча виброизоляцияторлар ўрнатиш, цехда ишлаётган ускуналарни рационал жойлаштириш, маҳаллий титрашлардан ҳимояловчи виброизоляцияли қўлқопларнинг янги самарали намуналари ишлаб чиқилган;

тебранишнинг инсонга таъсир қилиш усули бўйича пайдо бўлиш манбаига кўра, тебраниш частотаси бўйича, паст частотали (22,6 Gs дан кам), ўрта частотали (22,6–90 Gs) ва юқори частотали (90 Gs дан ортиқ), спектр хусусиятига кўра, тор ва кенгполосали, таъсир қилиш вақтига кўра, доимий ва ўзгарувчан бўлиб, ўзгарувчан вақт давомида узлуксиз ва импульс кўрсаткичларини ифодаловчи математик алгоритм ишлаб чиқилган;

инсон танасини қовушқоқ–эластиклик хусусиятига эга бўлган механик тизим сифатида Больцман–Волтер интеграл модели, ядро сифатида Ржаницин–Колтуновнинг уч параметрли ядроси қабул қилиниб, инсон танасининг квазистатик реал ҳолатлари акс эттирилиши, Mathcad комплекс математик дастури асосида амплитуда–частотали хусусиятларни аниқлаш усуллари такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат.

назарий таҳлилларни тажриба аниқлаш ва умумлаштириш асосида саноат

корхоналарида титраш ҳосил қилувчи манбалар аниқланган;

хавфсизлик тизимларини ўрнатиш ва технологик ускуналарнинг ишлатилиши, хавфсиз элементларни танлаш усуллари такомиллаштирилган;

маҳаллий титрашлардан ҳимояловчи виброизоляцияли қўлқопларнинг янги версия намунаси ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган таклифларни амалиётга жорий этиш, инсонларни ҳаёт фаолиятида хавфсизлик тизимларини қўллаш, касб касаллигига чалиниш хавфининг олди олинган;

mathcad комплекс математик дастури асосида амплитуда-частотали хусусиятларни аниқлаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот ишида фойдаланилган расмий маълумотлар, ўтказилган эксперимент натижалари, таҳлил натижаларининг лаборатория жиҳозлари ёрдамида асослангани, хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилгани, ўзаро боғланиш мувофиқлиги, ҳисобий ва тажрибавий натижаларнинг ўзаро мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти саноат корхоналарида содир бўладиган динамик жараёнлардан ҳосил бўлган титрашларни манбадан бошлаб, титрашларни узатилиши ва унинг инсон танасига зарарли таъсирини баҳолаш ҳамда одам ҳаёт фаолиятини титрашлар билан боғлиқ бўлган хавфнинг асосий хусусиятлари, хавфсизлик тизимининг элементлари, хавфсизлигини таъминлаш учун вазиятни олдиндан таҳлил қилиш, уларнинг асосий хусусиятларини билган ҳолда математик таҳлил асосида титрашлар таъсирини камайтиришнинг илмий асосланган ҳисобий назарияси ва амалиёти ривожига қўшган ҳиссаси билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти таклиф этилаётган тавсияларнинг математик усулдаги таҳлили, моделлаштириш асосида титрашлар манбаи, бу манбадан узатувчи муҳит орқали инсон танасига таъсирини механик тизим кўринишида ифодалаб, ҳар бир элементдаги титрашлар таъсирини камайтиришни баҳолаш ҳамда титрашлар хавфини максимал камайтириш кўрсаткичларини аниқлаш усуллари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Саноат корхоналарида зарарли ишлаб чиқариш омилларини камайтиришнинг назарий ва экспериментал асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

титрашнинг зарарли таъсири инсон организмнинг физиологик ва функционал ҳолатида ўзгаришларни келтириши бўйича аниқланган натижалар Бухоро шаҳрининг “ARK ЭКО TEXTILE” МЧЖда жорий қилинган (О‘ЗТО‘QIMACHILIKSANOAT уюшмаси 2018 йил 2 апрелдаги ФЖ-14-1936-сон маълумотномаси).

Натижада, вестибуляр реакцияларнинг бузилиши, ҳаракатлар координациясида чарчаш даражасининг ошиши, ҳаракат ва кўриш реакциясининг секинлашиши, меҳнат унумдорлиги пасайишига олиб келишини аниқлаш ва унинг тезлик билан самарали чораларини кўриш имконини берган;

тадқиқотда тик турган ҳолатда инсон танасига таъсир этаётган титрашларни 5-12 ва 17-25 Гц да иккита резонанс частота, ўтирган ҳолатда эса, 4-6 Гц, бош

учун резонанс частота 20-30 Гц оралиғида мавжуд бўлиши Бухоро шахрининг DELUXE FABRIC МЧЖда жорий қилинган (О‘ЗТО‘ҚИМАШИЛИКСАНОАТ уюшмаси 2018 йил 2 апрелдаги ФЖ-14-1936-сон маълумотномаси).

Натижада, бошнинг тебраниш амплитудаси елкага қараганда, 3 баробар кўп бўлиши, кичик частотали титрашларда касб касалликлари 8-10 йилда, юқори частоталарда беш йилда пайдо бўлишни таҳлил қилиш имконини берган;

тебранишнинг инсонга таъсир қилиш усули, пайдо бўлиш манбаи бўйича транспорт–технологик ва технологик, тебраниш частотаси, спектр хусусияти, таъсир қилиш вақти Бухоро муҳандислик–технологиялар институти хузуридаги “Камалак Шабнам Текс” МЧЖда, Бухоро шахрининг “МЕРГАН ТЕКС” ҳамда Бухоро шахрининг “Al-Hakim Plyus” МЧЖда жорий қилинган (О‘RVMH Sanoat, radiatsiya va yadro xavfsizligi qo‘mitasi 2024 йил 14 декабрь 04/1157–сон маълумотномаси).

Натижада, титрашларни ҳосил бўлишидан олдин манбада камайтириш, виброизоляция қилиш, қўшимча виброизоляцияторлар ўрнатиш, цехда ишлаётган ускуналарни рационал жойлаштириш, маҳаллий титрашлардан ҳимояловчи виброизоляцияли қўлқопларнинг янги намуналарини ишлаб чиқишни маҳаллийлаштириш ва амалиётга кенг тадбиқ этиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари жами 6 та, шундан 3 та халқаро ва 1 та республика илмий-техник анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган, 2 та интеллектуал мулк агентлигидан гувоҳнома олинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, диссертациянинг асосий натижалари чоп этилиши тавсия этилган илмий журналларда 16 та мақола (шундан 11 таси хорижда, 5 та республикада) нашр этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 199 бетни ташкил этади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Ишлаб чиқариш технологик жараёнларида титрашларни келтириб чиқарадиган салбий омиллар таъсирининг бугунги кундаги ҳолатининг таҳлили”** номли биринчи бобида, саноат корхоналарида содир бўладиган динамикжараёнлар натижасида ҳосил бўладиган титрашларни камайтириш ишлари бўйича меҳнат муҳофазасини таъминлаш омиллари кенг

ўрганилган. Саноат корхоналарида дастгоҳ ва қурилмаларнинг ишлаши натижасида титрашлар юзага келиши ва бунга асосий сабаблар; детал ва қисмларнинг бир-бирига урилиб ишлаши, ишқаланиб ишлаши, бир-бирига нисбатан ҳаракатланиши, катта тезликда ҳаракатланиб, ҳаво молекулаларининг максимал тезкор ҳаракатлантириши кенг таҳлил қилинган. Булар инсон организмига таъсир кўрсатади, асосан асаб тизимлари ва эшитиш органларини, суяк тўқималарининг касалланиш омиллари ўрганилди.

Олиб борилган изланишлар ва тадқиқотлар давомида, дунёда бўйича ишлаб чиқарувчи корхоналар сонини таҳлил қилиш асосида, хорижий давлатларнинг ишлаб чиқарувчи корхоналар жаҳонда энг етакчи ўринда туриши аниқланди. Бундай корхоналарнинг сони кўпайгани сайин, инсонлар ҳаёти ва соғлиги кўпроқ хавф остида қолаётгани, даромад олиш ошгани билан ишловчи ходимлар ҳаёти ва яқин атрофда яшовчи аҳоли пунктлари, атроф-муҳит экологиясига салбий таъсир кўлами кенгайиб бораётганлиги таҳлил этилган. Тадқиқот таҳлилларида маълум бўлишича, дунё бўйича корхоналарда содир бўлган титрашлар нафақат инсон саломатлигига, балки ишлаб чиқаришларда иқтисодий самарадорликнинг камайишига ҳам сабаб бўлади. Бу эса, инсонларнинг ҳаёти ва соғлигига хавф туғилиши, иқтисодий зарарнинг ошишига ҳам олиб келади. Чунки иқтисодиётнинг асосий даромади саноат корхоналари улушига тўғри келади. Олиб борилган тадқиқотда тебранишнинг асосий турли манбалари қуйидаги гуруҳларга ажратилиб тадқиқ қилинди ва уларнинг таснифи ҳам берилди (1-расм).



1-расм. Тадқиқот натижасида кузатишган инсонларнинг турли хил ҳолатларда турганда тебранишлар таъсири тасвирланган


Жаҳон статистикаси маълумотларига кўра, саноат корхоналарида юқори тезлик ва қувватларда ишлайдиган ишлаб чиқарувчи дастгоҳлари сони йил сайин кўпайиб бораётгани сабабли, корхоналардаги ишчиларнинг касбий касалликлари хавфли кўрсаткичлари ҳам ошиб бораётганлиги таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Титрашларни инсонга таъсири натижасида келиб чиқадиган касалликлар хавфини камайтириш усуллари тадқиқ этишнинг тажриба-синов ишларини амалга ошириш”** номли иккинчи бобида инсон танасига тебранишнинг сурункали таъсири натижасида, юрак-қон томир тизимида, марказий асаб тизимида ўзгаришлар, қон томирларининг торайиши, бўғимларда ўзгаришлар кузатилиб, уларнинг ҳаракатчанлигини чеклайди. Тебраниш ишловчиларда асабийлашиш, уйқусизлик, бош оғриғи, тебранувчи

асбоб-ускуналар билан ишловчи кишиларнинг қўлларида оғриқ пайдо қилади, узок вақт таъсир қилганида суяк тўқимаси кучли ўзгаришлар кузатилиши тадқиқотлар натижасида аниқланди. Титрашлар шароитида ишлаш иш унумини пасайишига ҳамда инсонларни шикастланиш даражасини ўсишига олиб келади. Одатда, титрашлар спекторида кичик частотали тебранишлар бўлиб, бу эса, инсон организмига, баъзи титрашлар асаб, юрак–қон тизимига, вестибуляр аппаратга қаттиқ таъсир кўрсатади. Титрашлар частотаси инсон организмнинг баъзи аъзоларининг частотасига мос келган ҳолда, танага энг катта зарар кўрсатилиши натижалари 1-жадвалда келтирилган.


1-жадвал.

№	Тана аъзолари	Ғи	№	Тана аъзолари	Ғи
1	Кўз	12–27	5	Бош	8–27
2	Томоқ	6–27	6	Юз	4–27
3	Кўкрак қафаси	2–12	7	Умurtқа поғонаси	4–14
4	Оёқ–қўл	2–8	8	Корин	4–12



Тик турган ҳолатда инсон танасига таъсир этаётган титрашларни 5–12 ва 17–25 $\Gamma\text{ц}$ частоталар оралиғида иккита резонанс частотаси мавжуд бўлиши, ўтирган ҳолатда эса, 4–6 $\Gamma\text{ц}$ оралиғида, бош учун резонанс частота 20–30 $\Gamma\text{ц}$ оралиғида мавжуд бўлади. Частоталарнинг бу оралиғида бошнинг тебраниш

амплитудаси елкага қараганда 3 баробар кўп бўлиши тадқиқ этилди. Ишлаб чиқариш шароитида кўл машиналарининг титрашлари одатда, 36 Гц гача бўлганида титраш тезликлари максимум бўлиб, кичик частотали титрашларда касб касалликлари 8–10 йилда пайдо бўлиши, юқори частоталарда эса, беш йилда ҳам рўй бериши мумкинлиги аниқланди.




3-расм. Тебраниш жараёнини ифодаловчи графиклар: a – гармоник тебранма ҳаракат; b – тасоддий тебранишлар; титрашларда виброкўчиш – u (м); вибротезлик – v (м/с).

Саноат корхоналаридаги титрашларнинг асосий қонунларидан бири

$$w(t) = A \cos(\omega t + \varphi) \quad (1)$$

кўринишга эга бўлган гармоник тебранма ҳаракатдир. Бу формулада A – тебраниш амплитудаси; $\omega = 2\pi f$ – бурчак частотаси, рад/с; $f = 1/T$ – циклик частота, Гц; T – тебраниш даври, с; φ – тебранма ҳаракатнинг бошланғич фазаси горизонтал титрашлар таянч текислигига параллел таъсир этади (3-4-расмлар).



4-расм. Ўтказилган тадқиқотлар асосида титраш $Y1(X)=AX$; $Y3(X)=-AX$; $Y2(X)=0$ параметрлари келтирилган

Маҳаллий тебранишларга кўл механизацияланган асбоб-ускуна билан ишловчилар дучор бўлади. Улар кўл панжасининг қон-томирларини торайишига, билакларнинг қон билан таъминланишини бузилишига олиб келиши 5-расмда келтирилган.



5-расм. Маҳаллий тебранишдан келиб чиққан титраш касб касаллигига хос бўлган белгилар

Узоқ муддатли тебраниш таъсиридан келиб чиқадиган касбий касаллик титраш касаллиги бўлиб, бу одамнинг кўплаб физиологик функцияларининг бузилиши билан намоён бўлади. Маҳаллий тебранишдан келиб чиққан титраш касаллигига хос бўлган белгилар ҳам худди шундай намоён бўлиб, кўпроқ қуйи оёқларнинг таъсирланган томонида бўлади. Умумий ҳолатдаги шикоятлар ҳам шунга ўхшаш бўлиши 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Титраш касаллигини ташхислаш учун мажбурий бўлган услублар

№	Услублар	Меъёрий қийматлар
1	Совуқ синовлари (+4 ⁰ С 3 мин)	Реакция йўқ
2	Альгезиметрия	0,5 мм гача
3	Тери термометрияси	27-33 ⁰ С асимметрия ≤ 1 ⁰ С бўлганда
4	Капиллярскоия	16-20 (7-8 1 мм) га 16-21 кўриш доирасида
5	Билак диаметри	Эркакларда 40-60 кг; Аёлларда 30-50 кг

Инсон танасининг ҳамма қисмидан ўтувчи частотаси 40 ÷ 50 Гц гача бўлган титрашларнинг тик турган ҳолатда бўлган одам суякларини дегенератив ўзгаришларга олиб келади, деформацияланади. Титрашлар таъсирида умуртқа поғонасида мавжуд бўлиши мумкин дегенератив хасталик касбий характерга эгадир. Шундай қилиб, олиб борилган илмий кузатишлар натижасида маҳаллий ва умумий титрашлардан ҳосил бўлган титраш касб касаллиги ўзининг симптоми билан бошқа касалликлардан тубдан фарқ қилиши ва бу касалликни олди олинмаса одамнинг иш қобилияти бутунлай йўқолиши аниқланди. Тебранишдан ҳимоя қилиш учун қуйидаги усуллардан машиналарнинг тебраниш фаоллигини камайтириш, резонансли частоталардан четлатиш, тебраниш демпфировкасини камайтириш, тебраниш изоляцияси, тебранишни сўндириш, шунингдек, шахсий ҳимоя воситаларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг “Саноат корхоналаридаги технологик титрашларнинг инсон танасига таъсир омилларини моделлаштиришни илмий асослаш” деб номланган учинчи бобида, инсон танасини моделлаштиришда, инсонни механик тизим, деб қаралган. Механик тизим бири иккинчиси билан пружина ёки демпфирлар воситасида боғланган элементлардан иборатдир. Модел таркибига кирувчи параметрларни қийматлари тажрибалар орқали аниқланди. Тадқиқот давомида, моделлаштиришдан олдин моделлар, моделларни турлари, моделлаштириш асослари ва зарурати хусусияти,

технологияси масалаларини ечиш методикаси, моделлаштириш жараёни технологияси масалаларини ечиш методикаси ишлаб чиқилди. Аниқ модел учун эса, қаралаётган объект сифатида одам танаси, фаолият жараёнини характерловчи тушунчалар кўрсатилган. Курилган модел учун қўйилган масалани ечиш алгоритми ишлаб чиқилган, дастур яратилган ҳамда дастур учун кучланиш ҳамда деформация релаксация хусусиятларини баҳолаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда инсон танасини қовушқоқ-эластиклик хусусиятига эга бўлган механик тизим деб, унинг учун энг қулай модел сифатида Больцман - Вольтер интеграл моделидан фойдаланилди. Математик модел танлашда ва қуришда кўп ҳолларда умумий механика қонунларига асосланган, қаралаётган тизим элементларини статик ва динамик ҳолатларини адекват аниқловчи Больцман-Вольтер таклиф этган модел қўлланилди. Шунингдек, частотали характеристикалардан фойдаланилди. Больцман-Вольтер моделига кўра, тизим элементларининг кучланиш-деформация ҳолатини аниқлашда кучланиш ва деформацияни боғловчи тенглама сифатида қуйидаги мунособат қабул қилинди.

$$\sigma(t) = E[\varepsilon(t) - \int_0^t R(t - \tau)\varepsilon(\tau)d\tau] \quad (2)$$

Бунда, $\sigma(t)$ - кучланиш, $\varepsilon(t)$ - деформация, t – кузатиш вақти, $0 \leq \tau \leq t$ - оралик вақт, E -оний эластиклик модули, R – релаксация ядроси. Ушбу моделдан фойдаланиш жараёнида моделга кирувчи параметрлар аниқланди.

Тизим элементларида ҳосил бўладиган статик ва динамик жараёнларни адекват ифодаловчи ядролардан бири М.А. Колтунов-Ржаницын ядроси ҳисобланади ва у кўринишга эга бўлади.

$$\tau(t - \tau) = \frac{Ae^{-\beta(t-\tau)}}{(t-\tau)^{1\alpha}} \quad (3)$$

Бу ядрони қўллашдан мақсад, бир томондан, тажрибалар ёрдамида курилган бўлиб, тизим элементларидаги кучланиш ҳолатини аниқлаш ўта содда бўлса, иккинчи томондан, элемент материаллари учун квазистатик ёки динамик тажрибалар ўтказиш учун қулай ҳисобланади. Тадқиқот тажрибасида, валларнинг мослигини текшириш учун SKF TKSA-20 ва TKSA-31 русумли лазерли асбоблардан фойдаланилди. Бу махсус ўқув талаб қилмайдиган марказлаштирувчи валлар учун ишлатиладиган оддий лазер асбоби бўлиб, 6-расмда келтирилган.



6-расм. Валларнинг мослигини текшириш учун SKF TKSA 20 ва TKSA 31- русумли лазерли асбобларни қўллаш жараёни тасвирланган

Тадқиқот тажрибасида, ўлчов блоklarини тез ўрнатиш қўлланилди; ўлчов блоklarи сиртли сатҳлардан фойдаланган ҳолда тез ва осон ўрнатилди.

Курилмадан фойдаланишда рамзий меню, уч кадамли оддий жараён ва фойдаланувчи танлаган ўлчов бирликлари (*мм ёки дюйм*) ушбу курилмани ҳамма жойда ишлатиш имконини берди. Тайёрланмаган фойдаланувчилар учун ҳам қулай, қисқа йўриқнома деярли ҳар қандай мутахассис учун тез танишиш имконини беради. Ҳар бир мосламани ишлатишдан олдин унинг йўриқномасида келтирилган ҳамда хавфсизлик талаблари бўйича меъёрий ҳужжатлар билан танишиб чиқилди. Ҳар бир олингин натижалар титрашларни меъёрлаштириш норматив ҳужжатлари талабига мувофиқ ҳолда амалга оширилди. Бу эса, ўз навбатида инсон танасининг эластиклик хусусиятларини ҳисобга олиб, моделлаштиришни талаб этади.

Диссертациянинг **“Инсон танасига титраш таъсирининг қовушқоқ-эластиклик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда моделлаштириш”** номли тўртинчи бобида, тадқиқот жараёнида инсон танасини умуман олганда мураккаб, чизикли бўлмаган, анизотроп композит материал сифатида қараб, бу материалларнинг хусусиятларини ўрганишда қовушқоқ-эластиклик назариясига асосланилди. Танани ташкил этувчи компоненталарни ўзгартириш натижасида керакли талабларга жавоб бера оладиган, жумладан инсон организмига ижобий таъсир этадиган турли омилларни яратиш имконияти яратилди. Тадқиқотнинг тажриба жараёнини ўтказиш давомида, катта деформацияларда тананинг кучланиш-деформация ҳолатини чизикли функционал боғланиш орқали ифодаб бўлмайди. Бундай ҳолларда, инсон танасининг кучланганлик ҳолатини чизиксиз боғланишлар орқали ифодалаймиз. Олинган тажрибавий натижаларга таянган ҳолда, Больцман-Вольтер ишларини ривожлантиришга асосан кучланиш-деформация орасидаги боғланишни қуйидаги кўринишда ифодаланди.

$$\begin{aligned}\varepsilon_{ij}(t) &= \int_0^t K1_{ijkl}(t-\tau)\sigma_{kl}(\tau)d\tau + \int_0^t \int_0^t K2_{ijkl}(t-\tau, t-s)\sigma_{kl}(\tau)\sigma_{kl}(s)d\tau ds + \dots \\ \sigma_{ij}(t) &= \int_0^t R1_{ijkl}(t-\tau)\varepsilon_{kl}(\tau)d\tau + \int_0^t \int_0^t R2_{ijkl}(t-\tau, t-s)\varepsilon_{kl}(\tau)\varepsilon_{kl}(s)d\tau ds + \dots\end{aligned}\quad (4)$$

Бу ифодаларга кирувчи К ва R ядролар мос равишда ползучест ва релаксация ядролари дейилади ва улар тажрибалар орқали аниқланди. Тадқиқотда Ильюшиннинг учинчи даражали чизиксиз назариясига асосан юқоридаги мунособатлардан қуйидаги формула асосида аниқланди.


$$\varepsilon(t) = \frac{1}{E} \left[\sigma(t) + \int_0^t K_1(t-s)\sigma(s)ds \right] + b \int_0^t K_2(t-s)\sigma^3(s)ds. \quad (5)$$

Бу ифодага кирувчи барча параметрлар тажриба орқали аниқланди.

Агар инсонга таъсир этаётган куч ўзгармас бўлса, кучланиш ҳам ўзгармас бўлади, яъни $\sigma = \sigma_0 = const$. Бу ҳолда (5) тенглама

$$\varepsilon(t) = \frac{\sigma_0}{E} \left[1 + \int_0^t K_1(t-s)ds \right] + b \sigma_0^2 \int_0^t K_2(t-s)ds. \quad (6)$$

кўринишга келади. (6) формула асосида қурилган силжувчи эгри чизиклари келтирилган. Олиб борилган изланишларда механикавий конструкцияга ўхшаб, инсон танаси элементлари ҳам баъзи частоталарга мос келувчи резонанс ҳолати бўлиши аниқланди. Одам организмида кўплаб резонанс бўлиши мумкин, бундай резонанс частоталар маълум одамларга ва уларнинг ҳолатига боғлиқ бўлади. Титрашлар таъсирида одам ҳаракатланиши учун икки хил механик реакция кучи мавжуд. Биринчиси, одам танасини титрашларга кўрсатадиган акс таъсири бўлса, иккинчиси қаршилик кучи ҳисобланади (7-расм).




7-расм. Ўзгармас кучланишнинг ҳар хил қийматларида деформациянинг вақт бирлиги ичидаги ўзгаришини ифодаловчи эгри чизиклар


Тажриба натижасида олинган таранглик эгри чизикларини синик эгри чизиклар билан аппроксимациялашдан иборат. Иккинчи усул эса, Сплайн-интерполяция усули бўлиб, унда «Maple» математик дастуридан фойдаланилди. Бу дастурга асосан, $\text{spline}(X, Y, x, k)$ усули ёрдамида аппроксимация функцияси қурилди. Бунда X ва Y лар тажриба натижасида олинган қийматларнинг векторларини аниқлайди. X -ўзгарувчи, k коэффицент эса тажрибавий натижаларни тўғри ёки эгри чизиклар билан аппроксимациялаш мумкинлигини ифодаловчи коэффицент. Қаралаётган масалада X вектор вақтни характерлайди, Y вектор эса тарангликни ифодалайди.

Тадқиқот тажрибасида ўзгарувчан Пуассон коэффицентини комплекс Колтунов ядроси орқали ҳисобланди. ASV02Z–PL – қобикли конструкциялар элементларини қовушқоқ–эластик хоссаларини ифодаловчи Больцман–Вольтернинг интеграл моделига кирувчи таъсир функцияси уч кўрсаткичли Колтунов–Ржаницын ядросининг Гамма функцияси ҳисобланди. Тадқиқотда аниқлик учун тажриба синовлари икки хил тўқув дастгоҳларида турли тезликларда ишлаётган тўқув дастгоҳларида ҳаракатланаётган иплар тарангликларини аниқлаш ва уларнинг тўқилаётган тўқималар сифатига таъсирининг ва дастгоҳ титрашининг инсонга таъсирини ўрганишдан иборат.

СТБ–216 дастгоҳи танда ипининг чизикий зичлиги 29,4 текс, арқоқ ипининг чизикли зичлиги 25 текс, ипларнинг зичлиги 240, айланиш частотаси 200 *айл/мин* буз тўқимаси билан тахтланган, Р–190 дастгоҳида эса, иплар учун шу кўрсаткичлар, айланиш частотаси 300 *айл/мин* тенг. Тўқув ғалтагининг айланиши билан танда ипларида ҳосил бўлган таранглик кучларининг ўзгариш осциллограммаси махсус тензодатчиклар ёрдамида ёзиб олинди ва олинган тажрибалар таҳлиллари 8–9- расмларда келтирилган.




8–расм. Таранглик кучларининг ўзгариш осциллограммаси СТБ–216 тўқув дастгоҳи учун келтирилган



9–расм. Таранглик кучларининг ўзгариш осциллограммаси Р–190 тўқув дастгоҳи учун келтирилган

Бу осциллограммаларни таққослаш натижаларидан Р–190 (тўқув дастгоҳининг тури) дастгоҳидаги тўқув ғалтаги ҳаракати СТБ–216 (тўқув дастгоҳининг тури) дастгоҳига нисбатан кичикроқ тебранма ҳаракатда бўлиб, Р–190 дастгоҳидаги тўқув ғалтаги СТБ–216 дастгоҳидаги тўқув ғалтагига нисбатан текисроқ ҳаракат қилади. Бу эса, титрашларни инсон танасига таъсири камроқ бўлиб, дастгоҳларда иплар узилишларини камайишга олиб келди.


Шунингдек, иккинчи Р–190 дастгоҳ учун ўтказилган тажриба натижаларини аппроксимациялаб, қуйидаги келтирилган графикни ҳосил қиламиз.



10–расм. Р–190 дастгоҳидаги осциллограмманинг аппроксимацияси

Тадқиқотда ҳар иккала тажрибалардан олинган ҳақиқий осциллограмма ва уларнинг аппроксимация эгри чизиқларини солиштириш (10–11–расмлар) шуни

кўрсатдики, тажрибавий эгри чизикларни аппроксимациялаш юқори аниқликда амалга оширилди. Таранглик учун ҳосил бўлган аппроксимация эгри чизикларини тўқув ғалтаги ҳаракатининг дифференциал тенгламасига қўйиб, уни интеграллаб тўқув ғалтагининг ҳаракат қонунини аниқлаймиз.



11–расм. СТБ–216 дастгоҳи осциллограммасини аппроксимацияси


Бунда ҳаракат тенгламасига кирувчи момент M нинг қийматини ўзгармас, деб қабул қиламиз. Агар M ўзгарувчи бўлса ҳамда унинг ўзгариш қонуни берилган бўлса, дифференциал тенгламани сонли усул билан ечиб, керакли натижалар олинишига эришилди. Инсон танасининг биологик тўқималарида кучланиш ва деформация орасидаги боғланиш чизиксиз бўлиши экспериментларда аниқланиб, юмшоқ ва суякли тўқималарнинг кучланиш ва деформация орасидаги боғланиш назарий аниқланиб, ҳисоб графиклари келтирилди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасига асосан, олинган осциллограмма дастлаб сплайн–интерполяция усулини «Maple» математик дастуридан фойдаланиб, аппроксимация эгри чизиклари ҳосил қилинди. Тадқиқот жараёнида инсон танасини умуман олганда мураккаб, чизикли бўлмаган, анизотроп композит материал сифатида қараб, бу материалларнинг хусусиятларини ўрганишда қовушқоқ–эластиклик назариясига асосланилди. Танани ташкил этувчи компоненталарни ўзгартириш натижасида керакли талабларга жавоб бера оладиган, жумладан инсон организмга ижобий таъсир этадиган турли омилларни яратиш имконияти яратилди.

Диссертациянинг **“Саноат корхоналарида инсонга таъсир этадиган титраш меъёрларини жараёнларда амалга ошириш”** номли бешинчи бобида, тебраниш таъсири турли меҳнат операцияларини бажаришда пайдо бўлиши, уларнинг бир қисми иш куни давомида такрорланиши аниқланди. Тадқиқотда саноат корхоналарида (кончилик, металлургия, машинасозлик, металлни қайта ишлаш, қурилиш, авиация ва кемасозлик), қишлоқ хўжалигида ва транспортда энг кенг тарқалган зарарли омиллардан ҳисобланиши аниқланди. Механизациянинг кўплаб турлари, пневматик ва электр асбобларининг мавжудлиги, қулайлиги ва фойдаланишининг ортиши туфайли унинг аҳамияти ошди. Титраш саломатликка ва инсоннинг иш қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши ва маълум шароитларда титроқ касаллигига олиб келиши тадқиқ этилди.

Технология жараёнини қўллаган ҳолда ва механизациялаштирилган асбоб–ускуналардан фойдаланиш, операторнинг қўлларига маҳаллий тебранишни келтириб чиқарадиган кўплаб саноат тармоқларида кенг тарқалган. Ушбу тебраниш қўл машиналари томонидан айлана ёки зарба ҳаракатларини бажарилиши натижасида юзага келиши тадқиқотда исботини топди. Деталь қўлда ушлаб турганда, ишлов бериладиган детальнинг тебраниши туфайли ҳам қўлларга таъсир қилиши, шунингдек, мотоцикл рул ёхуд автомобил рул бошқарув ғилдирагидан қўл билан бошқаришда ҳам шундай бўлиши тадқиқ этилди. «Тебраниш хавфли» касблар қаторига ишчилар юқори интенсивликдаги, ўртача ва юқори частотали диапазоннинг энг агрессив тебранишга дучор бўладиган касблар кириши олиб борилган изланишлар натижасида аниқланди. Булар қуйма пармаловчилар, жигар ранг тошчилар, ўрмон кесувчилар, ўткирлаштирувчилар, сайқалловчилар каби касб гуруҳларидир. Максимал ва минимал интерференция шартлари куйидаги 12–расмда келтирилган.

Тебранувчи манбалар сифатида иш вақтида 20% дан кам бўлмаган даражадаги тебранишлар пайдо бўладиган манбалар (объектлар) бўлади. Энг кенг тарқалган касбий омиллардан бири бу маҳаллий тебраниш ҳисобланиб, қўл машиналаридан фойдаланувчиларни операторлар учрайди, ВК–(Вибро–касаллик) ривожланиши хавфи энг юқори бўлган касблар эса, «тебраниш хавфли» деб аталди.



12–расм. Максимал ва минимал интерференция шартлари келтирилган

Тадқиқот давомида, ВК патогенезининг тадқиқотлари бевосита таъсир майдонида маҳаллий (махсус) даражада ҳамда марказий нерв тизими даражасида ўзгаришлар мавжудлигини кўрсатди. Тебраниш таъсирига энг сезгир бўлинмалар периферик томирлар тонусини тартибга солувчи симпатик нерв тизими бўлинмалари ҳисобланди. Томир бузилишларининг йўналиши биринчи навбатда тебранишнинг частота характеристикаларига боғлиқ. Маълум бўлишича, капилляр спазмга мойиллиги 35 Гц дан ортиқ тебраниш таъсирида намоён бўлди.

Тадқиқотда маҳаллий тебраниш ўлчами ГОСТ. ИСО-8041 талабларига жавоб берадиган ўлчаш воситаларидан фойдаланган ҳолда олиб борилди. Ўлчаш воситалари миллий метрология схемасига мувофиқ текширилди. Ўлчовлар

имкони борица машина, асбоб ёки қайта ишланадиган қисмнинг ушлаш ҳудудининг марказига яқинроқ титраш юзасида ўтказилди. Тажрибада датчикларнинг жойлашуви қайд этилди. Маҳаллий тебранишнинг одам организмига таъсирини баҳолаш учун тадқиқотда тебранишнинг танага таъсир қилиш эффекти, унинг даражаси ва таъсир қилиш давомийлигига боғлиқ бўлиши аниқланди. Ишхоналарда ишчига смена давомида узлуксиз таъсир кўрсатиши мумкин бўлган умумий тебраниш вақти (T_n) ини ҳисоблаганимизда 3–жадвалда келтирилганидек қийматлар ҳосил бўлади.

3–жадвал.

Ишхоналарда ишчига смена давомида узлуксиз таъсир кўрсатадиган умумий тебраниш вақти (T_n)

№	Тебраниш юкланган оператор учун ортиқча юк кўрсаткичи D , дБ	T_n , дақиқа	Оператор учун ортиқча тебраниш юкининг кўрсаткичи D , дБ	T_n , дақиқа
1	1	381	7	95
2	9	302	8	76
3	3	240	9	60
4	4	191	10	48
5	5	151	11	38
6	6	120	12	30

Агар сменада узлуксиз тебранишнинг таъсир этишига йўл қўйиладиган умумий вақт T_n смена давомида қўл меҳнати билан ишлаш учун зарур бўлган технологик вақт T_m дан кам бўлмаса, у белгиланган тартибга солинган танаффусларни сақлаган ҳолда, иш сменасининг чегараларида ихтиёрий равишда тақсимланиши мумкинлиги тадқиқотнинг ҳисоб–китобларида аниқланди. Тадқиқот жараёнида тебранишнинг биологик таъсирини ўрганишда, унинг инсон танаси бўйлаб тарқалиши характери эътиборга олинди. Бир ҳолатда бу бутун тананинг бел қисми ва думғаза билан бирга (турган одам), иккинчи ҳолатда олдинга эгилаётган одамнинг юқори қисм билан бирга бўлган кўкрак қафасининг юқори қисми (ўтирган одам) ўрганилиб, тадқиқ этилди. Олинган натижалар 4–жадвалда ифодаланди.

4–жадвал.

Тадқиқотда аниқланган инсоннинг резонанс ҳолатлари

№	Тананинг алоҳида қисмларининг резонансли частоталари	
1.	Бош қисми	25–28 Гц
2.	Кўз олмачаси	30–80 Гц
3.	Елка қисми	4–5 Гц
4.	Кўкрак қисми	60 Гц
5.	Ўпка ва юрак, олд елка (тик турган ҳолат)	16–30 Гц
6.	Олд елка ва мушт (ўтирган ҳолат)	4–160 Гц
7.	Қорин бўшлиғи	4–8 Гц
8.	Умurtқа поғонаси	10–12 Гц
9.	Ёпик мушт	50–200 Гц
10.	Оёқлар (ўтирган ҳолатдан туриб ҳолатигача)	2–20 Гц
11.	Ҳужайра тузилмалари	100–1000 Гц

Тадқиқот натижасида аниқланган, тебраниш тезлигининг корректирланган қиймати қуйидаги формула орқали аниқланди.

$$\begin{aligned} \bar{U} &= \sqrt{\sum_{i=1}^n (U_i \cdot K_i)^2} \\ &= \sqrt{(1,3 \cdot 10^{-2})^2 \cdot 0,5^2 + (2,0 \cdot 10^{-2})^2 \cdot 1 + \dots + (7,1 \cdot 10^{-3})^2 \cdot 1} \\ &= 6,73 \cdot 10^{-2} \text{ м/с} \end{aligned}$$

Ушбу формула орқали аниқланган қийматларни 5-жадвалда акс эттирдик.

5-жадвал.

Тебраниш тезлигининг корректирланган қийматлари

№	Частота Гц	Тебраниш тезлиги даражалари, дБ	Вазн коэффициентлари қийматлари дБ	Тўғриланган спектр	Ўзгартирилган даражаларни ҳисобга олган ҳолда даража жуфтларини қўшиш бўйича маълумотлар
1.	8	108	- 6	102	112,4
2.	16	112	0	112	121,9
3.	31.5	120	0	120	121,5
4.	63	116	0	116	123
5.	125	111	0	111	112,5
6.	250	107	0	107	113,5
7.	500	104	0	104	114,5
8.	1000	103	0	103	106,5

Тадқиқотда олинган вибротезликларнинг қийматлари рухсат этилган қийматлар билан солиштирилган. Мажбурловчи куч частотаси инсон танаси элементларининг хусусий частота ўзаро яқинлашса, титрашлар ўта хавфли бўлиб, резонансга айланиши мумкин бўлади. Энг хавфлиси инсон мияси частотасига яқинлашиши, яъни, хусусий частотанинг 6-9 Гц қийматига мос келди. Қўл учун бундай частотанинг қиймати 30-80 Гц ни ташкил этди.

Инсон қўлига таъсир этаётган титрашларнинг таъсирини асослаш орқали, титрашларни мумкин бўлган чегараларда нормаларини такомиллаштириш орқали техникавий-иқтисодий, гигиеник ва социал жиҳатлардан натижа берувчи усуллар асосланди, ишлаб чиқилди, такомиллаштириш натижасида титрашларнинг одам қўлига таъсири камайтирилди.




13-расм. Тадқиқот натижасида таклиф этилган титрашлардан ҳимояловчи қўлқоплар

